# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 5 октябрь, № 207 (7437) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ БОШ КОТИБИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 октябрь куни Туркий тилли давлатлар Ишбилармонлар кенгаши мажлиси ва Инвестиция форумида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши бош котиби Бағдат Амреевни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Ўзбекистон ва Туркий кенгаш ўртасидаги ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Мамлакатимиз жорий йил 14 сентябрь куни 2009 йил 3 октябрда имзоланган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битимини ратификация қилди ҳамда ташкилотнинг жорий йил 15 октябрь куни Боку шаҳрида бўлиб ўтадиган еттинчи саммитида тўла ҳуқуқли аъзо сифатида иштирок этади.

Ўзбекистон ва Туркий кенгаш мамлакатларини азалдан нафақат маданият, тил, маънавият муштараклиги, балки анъанавий дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган муносабатлар боғлаб туриши таъкидланди.

Учрашувда Туркий кенгашнинг, биринчи навбатда, савдо, инвестициялар, инновациялар, транспорт, туризм, маданий-гуманитар алмашинувлар каби долзарб йўналишларда амалий шерикликни ривожлантиришга кўмаклашувчи самарали минтақавий тузилма сифатидаги салоҳиятига юксак баҳо берилди.

Туркий кенгаш бош котиби Ўзбекистон Республикаси Президентига самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдириб, мамлакатимиз Кенгашга тўла ҳуқуқли аъзо сифатида кириши билан табриклади.

Ўзбекистоннинг аъзо бўлиши ташкилот доирасида кўп томонлама самарали ҳамкорликни янада жадал ривожлантиришга хизмат қилиши алоҳида қайд этилди.

Бағдат Амреев Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши соҳасида, иқтисодиётни либераллаштириш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни юқори баҳолади.

Ўзбекистон хорижий шериклар билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантиришда, аввало, қўшни мамлакатлар билан дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш борасида улкан муваффақиятларга эришаётганини алоҳида қайд этди.

Олий мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Туркий кенгашнинг бўлажак саммитига тайёргарликнинг бориши тўғрисида маълумот берди ҳамда Кенгаш билан Ўзбекистон ўртасида самарали муносабатларни ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашишга тайёр эканини таъкидлади.

**ЎзА.**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ САВДО ПАЛАТАЛАРИ ВА ТОВАР БИРЖАЛАРИ ИТТИФОҚИ РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 октябрь куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Туркия савдо палаталари ва товар биржалари иттифоқи раиси Мустафо Рифат Ҳисоржиқли ўғлини қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, кейинги йилларда Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги дўстлик, шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилганини мамнуният билан таъкидлади.

2017 йилнинг кузида Туркияда ва 2018 йилнинг баҳорида Ўзбекистонда давлат ташрифлари доирасида бўлиб ўтган олий даражадаги самарали музокаралар конструктив сиёсий мулоқот ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилгани алоҳида қайд этилди.

Эришилган келишувлар ва имзоланган битимларни кенг кўламда амалга ошириш, савдо, инновациялар, энергетика, инфратузилмани ривожлантириш, транспорт, туризм, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, бошқа тармоқларда қўшма лойиҳаларни фаол илгари суриш муҳимлиги таъкидланди.

Учрашувда Рифат Ҳисоржиқли ўғли самимий қабул учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевга чуқур миннатдорлик билдирди ҳамда Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғоннинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Кейинги йилларда 750 дан зиёд қўшма корхоналар ташкил этилгани, шунингдек, ўзаро савдо ҳажми икки баробар ортгани Туркия бизнесининг Ўзбекистон бозорига киришдан манфаатдорлиги ортиб, ишбилармонлик алоқалари мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

Рифат Ҳисоржиқли ўғли Туркия ишбилармон доиралари вакиллари — Савдо палаталари ва товар биржалари иттифоқи аъзолари устувор лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этишга тайёр экани ҳамда бу масалаларни ўзбекистонлик шериклар билан Тошкентда бўлиб ўтадиган Туркий тилли давлатларнинг Ишбилармонлар кенгаши мажлиси ва Инвестиция форумида муҳокама қилишни режалаштирганини таъкидлади.

Учрашув сўнгида меҳмон Ўзбекистон — Туркия дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш мақсадида узоқ муддатли ишбилармонлик алоқаларини йўлга қўйиш ва амалий ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашиш борасида қатъий эканини таъкидлади.

**ЎзА.**

## ИССИҚ СУВ ВА ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИДАГИ БАРҚАРОРЛИК – АҲОЛИНИНГ ҲАЁТДАН РОЗИ БЎЛИБ ЯШАШИДА МУҲИМ ОМИЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 октябрь куни аҳолини узлуксиз иссиқ сув ва иссиқлик қуввати билан таъминлаш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Бугунги кунда мавжуд қозонхоналар ва иссиқлик тармоқларининг муайян қисми эскиргани, айримлари фойдаланишга яроқсиз аҳволга келиб қолгани қайд этилди. Хусусан, мазкур соҳага ҳозиргача хорижий инвестициялар умуман жалб қилинмагани мавжуд имкониятлар етарлича ишга солинмаганини кўрсатади.

Йиллар давомида технологик модернизация ишлари амалга оширилмагани сабабли тармоқ даромадининг 85 фоизи ёқилғи-энергетикага сарфланмоқда. Тармоқдаги йўқотишлар эса 35 — 40 фоизга етган. Энергия ресурслари харажати ва тўловлардаги номутаносиблик оқибатида кредитор ва дебитор қарздорлик юзага келмоқда.

Шу боис Президентимиз соҳани тубдан ислоҳ қилиш, мавжуд қувватларни янгилаш ва бошқарувни такомиллаштириш вазифаларини белгилаб берди.

Сифатли иссиқлик таъминоти тизимини йўлга қўйиш учун, аввало, тармоқ корхоналарини модернизация қилиш, бунда Австрия, Дания, Германия, Финляндия тажрибаси асосида энергия тежамкор ҳамда кўп мақсадли технологияларни кенг қўллашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Ушбу тизимнинг афзаллиги шундаки, катта маблағ ҳисобига ишлаб чиқарилган иссиқликдан циркуляр тарзда қайта-қайта фойдаланса бўлади. Мисол учун, Тошкент шаҳри иссиқлик таъминотини шундай “ёпиқ тизим”га ўтказиш йилига 300 миллиард сўм миқдоридаги 3 миллион гигакалория иссиқлик йўқотилишининг олдини олади, айни пайтда 160 миллиард сўм ҳажмидаги 320 миллион куб метр табиий газ ҳамда 25 миллиард сўмлик 85 миллион киловатт электр сарфини қисқартириш имконини беради.

(Давоми 2-бетда).

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА»ГИ ҚОНУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИНИНГ ЎТТИЗ ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлик ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий тараққиётида ғоят муҳим ўрин эгаллаб келаётган буюк қадриятдир.

2019 йил 21 октябрь куни Ўзбекистон Республикасининг **“Давлат тили ҳақида”**ги Қонуни қабул қилинганига ўттиз йил тўлади. Мазкур тарихий ҳужжатга биноан ўтган йиллар давомида она тилимиз мустаҳкам ҳуқуқий асос ва юксак мақомга эга бўлди. Ҳозирги кунда ўзбек тили ҳаётимизнинг барча жабҳаларида — давлат ва жамият бошқаруви, давлатлараро муносабатлар, илм-фан, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият ва санъат соҳаларида фаол қўлланилмоқда, халқаро минбарлардан баралла янграмоқда.

Ўзбекистон тараққиётининг бугунги янги босқичи — миллий юксалиш даври талабларидан келиб чиқиб, она тилимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этилгани она тилимизнинг тарихий илдизларини чуқур ўрганиш, уни илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш ва қўлланиш доирасини кенгайтириш, филолог кадрлар тайёрлаш борасидаги ишларни янги поғонага кўтарди.

Ҳудудларда атоқли аллома ва адибларимиз номлари билан аталган ижод мактабларининг барпо этилиши бу йўлдаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, халқимиз, аввало, ёш авлодни миллий қадриятларимизга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда ўзбек тилининг аҳамияти тобора ортиб бораётганини ҳисобга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар ижодий уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва жамоатчилик вакилларининг жорий йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини мамлакатимизда кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби 1-иловага;

(Давоми 2-бетда).

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## МАМЛАКАТИМИЗДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАР УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ, ШУНИНГДЕК, ФУҚАРОЛАРНИНГ ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРТИРИШЛАРДАГИ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Аҳолини жамоат ва давлат ишларини бошқаришга фаол жалб этиш фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва юридик саводхонлигини ошириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, тегишли соҳаларда давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда самарали қарорлар қабул қилишнинг ғоят муҳим шарти ҳисобланади.

Шу билан бирга, мамлакатни социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожлантиришнинг жадал суръатлари жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштирок этишларидаги ролини ошириш, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва нормаларини инобатга олган ҳолда ушбу йўналишдаги уларнинг фаолиятини авж олдириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Жамоатчилик фикрини таҳлил этиш, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг янада очиқлигини таъминлаш асосида бошқарув қарорлари қабул қилинишини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қуйидаги тартибни ўрнатиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин, унга мувофиқ ишлаб чиқувчи-ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари порталида жойлаштириладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини жамоатчилик томонидан муҳокама қилиш натижалари Адлия вазирлигига (ҳуқуқий экспертиза учун) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига (кўриб чиқиш учун) киритилади, бунда, қоида тариқасида, **келиб тушган таклифларни кўриб чиқиш натижалари кўрсатилиши мажбурийдир**.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига уч ой муддатда **Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунини** қайта кўриб чиқиш тавсия этилсин, бунда, шу жумладан, қуйидагилар назарда тутилсин:

халқаро амалиётда кенг тарқалган жамоатчилик назоратининг таъсирчан шаклларини жорий этиш;

жамоатчилик назорати шаклларини амалга ошириш механизмларини батафсил регламентация қилиш, уларни амалиётда самарали қўллаш;

давлат органлари ва ташкилотлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолияти, тегишли соҳалардаги ишларнинг ҳолатини яхшилашда уларнинг роли ва самарали иштироки масалалари.

(Давоми 2-бетда).

## ИҲТ ХАЛҚАРО СЕМИНАРИ МАВЗУСИ: ЁШЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ

7-8 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида Ислом ҳамкорлик ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссиясининг «Тинчликсевар, демократик жамиятлар барпо этиш ва барқарор ривожланиш йўлида ёшлар ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишнинг аҳамияти» мавзусидаги йиллик 6-семинари бўлиб ўтади.

Ушбу нуфузли халқаро анжуман Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, ИҲТ Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси ва БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилмоқда.

Семинарда ИҲТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси аъзолари, халқаро экспертлар, ИҲТга аъзо ва кузатувчи мақомидаги жами элликка яқин давлатлар, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий муассасалар вакиллари иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурган эди. Ушбу халқаро-ҳуқуқий ҳужжатда глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланаётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга ошириш масалалари кўзда тутилади.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти 1969 йил 25 сентябрда Марокаш пойтахти Работда ўтказилган ислом давлатлари раҳбарларининг биринчи йиғилишида ташкил этилган. Дастлаб Ислом конференцияси ташкилоти деб юритилган ушбу йирик халқаро ислом ташкилоти 2011 йилдан буён Ислом ҳамкорлик ташкилоти деб аталади. Қароргоҳи Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида жойлашган. Бугунги кунда ташкилотга икки миллиардга яқин аҳолиси бўлган 57 давлат аъзо. Ўзбекистон 1996 йилдан ИҲТ аъзоси ҳисобланади.

3

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида

## АХБОРОТ

2019 йил 4 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма учинчи ялпи мажлисини жорий йил 11 октябрь куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ялпи мажлис кун тартибига мамлакатимизнинг яқин келажакда ривожланиш йўналишларини белгилаб берувчи, тараққиётининг янги босқичидаги мақсадларни амалга оширишга қаратилган, барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ҳамда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига йўналтирилган Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари киритилган.

3

## САЙЛОВДА ҚАТНАШИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

*Сайловлар — ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг узвий белгиси, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширишнинг асосий шаклларидан биридир.*

Эътироф этиш керак, ушбу муҳим сиёсий жараёнларнинг демократик сайловлар ўтказишнинг халқаро стандартларига тўла мос ҳолда шаффоф ва ошкора ўтиши учун юртимизда барча ҳуқуқий қоидалар янада такомиллаштирилди, сайловга оид қонунлар бирлаштирилиб, яхлит Сайлов кодекси қабул қилинди. Бу йил мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловнинг демократик тамойилларга мувофиқ ўтказилишини кафолатлашда мазкур Кодекс ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди.

3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА»ГИ ҚОНУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИНИНГ ЎТТИЗ ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллиги муносабати билан ўтказиладиган оммавий маънавий-маърифий чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита (А. Арипов):

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг пухта тайёргарлик асосида, юқори савияда ўтказилишини таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридаги барча шаҳар ва туманларда байрам тадбирларини ташкил этсин;

умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўзбек тили мавзусида иншолар танловини ўтказсин;

мамлакатимиздаги театрлар ва кинотеатрларда, маданият саройларида буюк алломаларимиз ҳақидаги спектакллар, бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойишини ташкил этсин;

“Ўзбек тили тараққиёти ва халқаро ҳамкорлик масалалари” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ҳамда “Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари” мавзусида республика конференциясини ўтказсин;

ўзбек адабий тилининг асосчиси, буюк мутафаккир шоиримиз Алишер Навоийга Тошкент шаҳридаги Миллий боғда, шунингдек, вилоят ва шаҳарларда ўрнатилган ҳайкаллар пойига гул қўйиш маросимини уюштирсин;

мамлакатимизнинг хориждаги элчихоналари ва дипломатик ваколатхоналарида ўзбек тилига бағишланган байрам тадбирларини ўтказсин ва “Ўзбек тилининг дўстлари” клубларини тузсин;

мамлакатимизда янгитдан ташкил этилиб, фаолият кўрсатаётган Муҳаммад Ризо Огаҳий, Исҳоқхон Ибрат, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Ибройим Юсупов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактабларида она тилига бағишланган маънавий-маърифий тадбирларни ўтказсин;

ҳудудларда тил байрамига бағишланган адабий-маърифий кечалар ҳамда янги китоблар тақдимотини амалга оширсин;

21 октябрь куни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги санъат саройларида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали байрам тадбирларини ташкил этсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари даромадларининг орттириб бажарилган қисмидан, шунингдек, ҳомийлик хайриялари ҳисобидан қопланади.

5. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 4 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# МАМЛАКАТИМИЗДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАР УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ, ШУНИНГДЕК, ФУҚАРОЛАРНИНГ ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРТИРИШЛАРДАГИ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси (Р. С. Қосимов) икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш ва молиялаштиришни** кўзда тутувчи қарори лойиҳасини киритсин, унда, жумладан, қуйидагилар назарда тутилсин:

институт томонидан ҳар йили Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ҳолати ва уни ривожлантириш тенденциялари тўғрисидаги маърузани Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашининг кўриб чиқиши учун киритиш ва шундан кейин Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериш;

институт томонидан фуқаролик жамияти ривожланишини, жамият институтларининг давлат органлари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик даражасини, шунингдек, уларнинг мамлакатни социал-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан ривожлантиришга, шу жумладан, 2030 йилгача бўлган даврда БМТнинг Барқарор тараққиёт мақсадларини амалга ошириш доирасида қўшган ҳиссасини баҳолаш индикаторларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

4. 2020 йил 1 январдан бошлаб **республика, вилоятлараро нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган давлат божи ставкалари** базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваридан 3 бараваригача, вилоят нодавлат нотижорат ташкилотлари учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараваридан 1 бараваригача пасайтирилсин.

2020 йил 1 январдан бошлаб фаолиятини туман (шаҳар), шаҳарча, қишлоқ ва овул ҳудудида олиб борадиган нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи ставкаси **базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида** белгилансин.

5. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга давлат грантлари, субсидиялар ва ижтимоий буюртма шаклидаги маблағлар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, шунингдек, туман ва шаҳарлар бюджетларининг харажатларига қўшилсин.

Молия вазирлиги бир ой муддатда мазкур банднинг талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Белгилансинки, республиканинг барча давлат органлари ва ташкилотларида, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда, улар фаолиятини молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, ушбу орган ва ташкилотларнинг бюджетдан ташқари манбалари ҳисобидан мажбурий тартибда уларнинг веб-сайтлари яратилади.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги икки ой муддатда:

**давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтига қўйиладиган асосий талабларга** ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва тақдим этсин;

Интернет тармоғида республиканинг барча давлат органлари ва ташкилотларининг, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг веб-сайтлари мавжудлиги ва фаолият юритишини инвентаризациядан ўтказсин.

Инвентаризация натижалари веб-сайтларга нисбатан янги талабларни инобатга олган ҳолда, кейинчалик давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги веб-сайтларини яратиш ва амалдагиларини модернизация қилиш бўйича чоралар кўриш учун икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилсин.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston” телеканалида фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасидаги вазифаларни кенг кўламда тушунтириш ва тарғиб қилишга, аҳолини ташвишга солаётган долзарб масалаларни муҳокама қилиш учун олимлар, социологлар, тадқиқотчилар, экспертлар, жамоат арбоблари, хотин-қизлар, ёшлар ва фуқаролар иштирокида доимий фаолият юритувчи “мунозара майдончаси”ни ташкил этишга қаратилган телекўрсатувлар туркумини тайёрлаш ва намойиш этишни назарда тутувчи **“Jamoatchilik fikri”** таҳририятини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, “Jamoatchilik fikri” таҳририятини молиялаштириш Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг ўз маблағлари ҳисобидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан телерадиокомпанияга ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси икки ҳафта муддатда марказий давлат телеканалларида мамлакатнинг социал-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ҳаётига оид энг муҳим масалаларни муҳокама қилиш мақсадида доимий асосда махсус телекўрсатувлар (жамоатчилик мунозаралари) ташкил этилишини таъминласин.

8. **Ўзбекистон Республикасининг Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодекси лойиҳасини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳ** 1-иловага мувофиқ таркибда тузилсин, илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва шаклланган миллий ҳуқуқни қўллаш амалиёти асосида нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонунчиликни кодлаштириш ва тизимлаштириш унинг асосий вазифаси этиб белгилансин.

Ишчи гуруҳ 2020 йил 1 февралга қадар манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишилган Ўзбекистон Республикаси Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодекси лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан биргаликда 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб **тўлов асосида нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини** мунтазам равишда ташкил этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши (А. Х. Саидов) икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан белгиланган тартибда келишилган қуйидаги лойиҳаларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин:

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши тўғрисидаги низом**;

**Давлат ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг халқаро стандартларини республикада жорий этиш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси**.

11. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига оммавий ахборот воситаларида ушбу қарорнинг мақсад ва вазифаларини ёритиш юзасидан мақолалар ва мавзуга оид кўрсатувлар ташкил этиш тавсия қилинсин.

12. **Мазкур қарорни амалга ошириш бўйича батафсил амалий чора-тадбирлар режаси** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари барча чора-тадбирлар белгиланган муддатларда сўзсиз ва сифатли бажарилишини таъминласинлар.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 декабрдаги “Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–2085-сон қарорига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

Фуқаролик жамияти институтлари фаолияти соҳасида қонунчиликнинг ҳаволаки нормаларини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш режасини;

қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р. С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 4 октябрь

Бағдат АМРЕЕВ:

# ЎЗБЕКИСТОН ИШТИРОКИДА КЕНГАШ КЕЛАЖАГИГА КАТТА УМИД БИЛАН ҚАРАМОҚДАМИЗ

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши бош котиби Бағдат АМРЕЕВ Ўзбекистон билан ҳамкорлик ва ташкилотнинг Бокуда ўтадиган саммити хусусида ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистоннинг Туркий кенгашга тўла аъзо сифатида қўшилиши тўғрисидаги қонунни имзолаши тарихий ҳодиса. Туркий кенгаш бундан 10 йил аввал тузилган. Ўзбекистон аслида ушбу Кенгаш фаолиятининг ажралмас қисми бўлиб келган. Чунки туркий дунёни Ўзбекистонсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ўзбекистон Туркий кенгашнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган бугунги кунда ишонч ва ғурур билан шуни айта оламизки, энди у бутун туркий дунёнинг манфаатларини ифода этадиган, ҳимоя қиладиган ва қўллаб-қувватлайдиган тўлақонли ташкилотга айланди.

Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашувда Туркий кенгаш кун тартибидаги барча масалаларни муҳокама қилдик. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда иқтисодиёт, ахборот технологиялари ва ёшлар билан боғлиқ таҳдидлар чуқур хавотир уйғотмоқда. Барча таҳдидларга биргаликда қарши туриш ва мавжуд муаммоларни ҳал қилиш зарур. Туркий кенгаш бунда муҳимдир.

Яқинда Бокуда бўлиб ўтадиган саммитда туркийзабон давлатлар раҳбарлари Шавкат Мирзиёевни қардош Ўзбекистон раҳбари — Туркий кенгашнинг янги аъзоси сифатида кутиб олишади. Саммит иқтисодиёт, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга бағишланади.

Туркий кенгаш аъзо мамлакатлар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасида сезиларли ишларни амалга оширди. Туркий дунё Савдо-саноат палатаси тузилди, кичик ва ўрта бизнесга кўмаклашувчи инвестиция фонди ташкил этилмоқда. Биз транспорт масалаларига устувор аҳамият қаратамиз. Бу Ўзбекистон учун ҳам айниқса муҳим.

Ўзбекистон замини жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган. Бу салоҳиятдан бутун туркий давлатлар фойдаланишига имкон пайдо бўлди. Биз Ўзбекистон иштирокида Кенгаш келажагига катта умид билан қарамоқдамиз.

**ЎзА мухбири**
**Матназар ЭЛМУРОДОВ**
**ёзиб олди.**

# ИССИҚ СУВ ВА ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИДАГИ БАРҚАРОРЛИК — АҲОЛИНИНГ ҲАЁТДАН РОЗИ БЎЛИБ ЯШАШИДА МУҲИМ ОМИЛ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Йиғилишда 12 та шаҳардаги 5 мингга яқин турар-жойларнинг марказлашган иссиқлик таъминотини тиклаш ва уларни “ёпиқ тизим”га ўтказиш, хусусан, Бухоро ва Чирчиқ шаҳарлари бўйича тендер савдоларини якунлаб, 2020 йилда фойдаланишга топшириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, келаси йили Андижон, Самарқанд шаҳарлари ва пойтахтимизнинг Сергели тумани бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, бунда Жаҳон банкининг 140 миллион доллар кредитидан самарали фойдаланиш зарурлиги қайд этилди. Европа тараққиёт ва тикланиш банкининг 150 миллион доллар кредити ҳисобидан Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек ва Миробод туманларида иссиқлик таъминоти тармоғини модернизация қилиш, Бухоро, Фарғона, Қувасой, Урганч ва Нукус шаҳарларида янги технологияларни жорий этиш лойиҳасига Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг 780 миллион доллар кредитини жалб қилиш вазифаси қўйилди. Осиё инфратузилмавий инвестициялар банкининг 55 миллион доллар маблағи эвазига Ангрен иссиқлик станциясини модернизация қилиш бўйича ҳам топшириқлар берилди.

Тармоққа бозор механизмларини кенг жорий этиш орқали соғлом рақобат муҳитини шакллантириш муҳимлиги таъкидланди. Бунинг учун, аввало, тарифлар эркин бўлиши лозим. Шу боис соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, келаси йилдан Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимига давлат-хусусий шериклик корхоналарини жалб этиш чоралари белгиланди.

Йўқотишларни бартараф этиш ва меъёридан ортиқ истеъмолни камайтириш мақсадида иссиқлик энергиясини ҳисобга олишнинг автоматлашган тизимини жорий этиш зарурлиги қайд этилди.

Мамлакатимиз аҳолиси 119 та шаҳар ва 11 мингдан зиёд қишлоқлардаги қарийб 6 миллионга яқин ҳовли-жойларда истиқомат қилади. Уларни куз-қиш мавсумида иссиқлик билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига фақат кўп хонадонли уйлар билан чегараланмасдан, барча аҳолини иссиқлик таъминоти билан қамраб олиш, бу борадаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Соҳада бошқарув самарадорлигини ошириш, фаол инвестициялар жалб этиш учун Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш, иссиқлик таъминоти корхоналарини алоҳида акциядорлик жамиятига бирлаштириш бўйича тавсиялар берилди. Бу акциядорлик жамияти объектларни эксплуатация қилиш билан бирга, янги лойиҳаларни шакллантириш, уларга халқаро молиявий ташкилотлар маблағларини жалб этиш билан шуғулланади.

Йиғилишда ушбу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард натижаси халқимизни рози қилиш, одамларнинг турмуш даражаси ва сифатини юксалтириш, уларнинг ишончини оқлашдан иборат экани алоҳида таъкидланди.

Ўтган даврда берилган топшириқлар юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти тингланди ва келгусида амалга ошириладиган устувор вазифалар белгилаб олинди.

**ЎзА.**

Рифат ҲИСОРЖИҚЛИ ЎҒЛИ:

# МАМЛАКАТИНГИЗ МИНТАҚАДА ПОРЛАЁТГАН ЮЛДУЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМАН

Туркия савдо палаталари ва товар биржалари иттифоқи раиси Мустафо Рифат ҲИСОРЖИҚЛИ ЎҒЛИ Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашувдан сўнг ЎзА мухбирига қисқача интервью берди:

— Аввало, ота юрт Ўзбекистонга келганимдан ғоят мамнун эканимни таъкидламоқчиман. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистонда Туркий тилли давлатлар Ишбилармонлар кенгаши мажлиси ва Инвестиция форумини ўтказиш ташаббусидан жуда хурсандмиз.

Биз тадбиркор сифатида сўнгги уч йилда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни кузатиб боряпмиз. Мамлакатингизнинг танлаган йўли тўғри, амалга оширилаётган ислоҳотлар мавжуд салоҳиятга мос. Барча ўзгаришлар жадаллик ва катта жасорат билан рўёбга чиқарилмоқда. Бунинг натижасида Ўзбекистон минтақада порлаётган юлдуз бўлишига ишонаман. Мулоқот чоғида бу борадаги фикрларимни давлатингиз раҳбарига ҳам айтдим.

Тадбиркорлар халқ фаровонлигини таъминлайди. Туркия Ўзбекистонда энг кўп корхона очган давлатлар ичида учинчи ўринни эгаллайди. Тошкентда ўтадиган нуфузли анжуманга 120 нафар ишбилармон билан келдик. Форумга Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистондан ҳам компания ва фирмалар вакиллари, бизнесменлар ташриф буюрган.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан илк маротаба ўтказилаётган анжуманлар туркий тилли давлатлар вакилларига ўзаро ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилиш, янги ҳамкорлар топиш ва бизнесда амалий алоқаларни кенгайтириш имконини беради.

**ЎзА.**

**«Сайлов — 2019»**

**«...Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш учун бир юз элликта ҳудудий сайлов округи тузилади. Ҳар бир сайлов округидан битта депутат сайланади...».**

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 9-моддасидан.

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

# ЎЗБЕКИСТОН ЕВРОСИЁ ИҚТИСОДИЙ ИТТИФОҚИГА ҚЎШИЛАДИМИ?

**Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари бу борада ўз муносабатини билдирди.**

Маълумки, шу йилнинг 1 — 3 октябрь кунлари Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенко расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

Учрашувлар давомида ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган қандай музокаралар олиб борилди? Парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича қандай келишувларга эришилди? Ўзбекистоннинг Евросиё иқтисодий иттифоқига қўшилиш масаласи қандай ҳал этилмоқда?

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ташриф якунларига бағишланган матбуот анжуманида ана шу саволларга жавоб изланди.

Қайд этилганидек, Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенконинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни ҳамда парламентлараро мулоқотни янада фаоллаштириш ҳамкорликни чуқурлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди.

— Икки томон, яъни ҳам Россия, ҳам Ўзбекистон бу ташрифга жуда юқори баҳо берди, — дейди **Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев.** — Бу ўзаро стратегик ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлди. Қолаверса, ушбу учрашувлар парламентлараро муносабатларни ҳам фаоллаштиради. Иккала томон ҳам бу йўналишда ўзаро тажриба алмашишдан манфаатдор. Минтақавий алоқалар ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Мисол учун, жорий йилнинг ўзида 30 та ўзаро минтақалараро тўғридан-тўғри ташриф амалга оширилган. Бу савдо-сотиқ соҳасида, маданий дипломатия, таълим, соғлиқни сақлаш борасидаги алоқаларни янада кучайтиряпти. Музокаралар жудаям мазмунли кечди ва якунда бир қатор ҳужжатлар имзоланди. Уларнинг ижроси ҳар икки мамлакат учун ғоят муҳим ва фойдали.

Ўзбекистоннинг Евросиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ)га қўшилиши масаласи ҳамда ижтимоий тармоқлардаги муносабатларга қарата шуни айтишим мумкинки, Ўзбекистон ЕОИИга кириш имкониятларини ўрганишни бугун ёки кеча эмас, аксинча, уч йил аввал бошлаган. Қолаверса, ушбу масалада ташқаридан ҳеч қандай босим ҳам йўқ. Бугунги кунда Ўзбекистон томони ушбу ташкилотга қўшилиш имкониятларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кўриб чиқмоқда, ЕОИИнинг барча мамлакати билан маслаҳатлашувлар олиб боришяпти. Ҳозирча бу борада ҳеч қандай қарор йўқ.

Шунингдек, анжуманда Ўзбекистон ва Россия парламентлари МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси ва Парламентлараро Иттифоқи каби халқаро ва минтақавий парламент ташкилотлари доирасида ҳамкорлик ишларини кучайтириши ҳақида келишувга эришилгани алоҳида таъкидланди.

Икки мамлакат парламентлари юқори палаталари кўмагида Ўзбекистон ва Россия ҳудудлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шу нуқтаи назардан, Россияда бўлиб ўтадиган иккинчи Ўзбекистон — Россия ҳудудлараро форумига тайёргарлик кўриш бўйича самарали иш олиб бориляпти.

Бундан ташқари, икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим йўналишлари, жумладан, бюджет маблағлари шаклланиши ва сарфланиши устидан парламент назорати бўйича тажриба алмашиш, туризм, шу жумладан, Ўзбекистонга зиёрат туризмини амалга ошириш соҳасида ҳамкорликни фаоллаштириш мақсадлари ҳам аниқ белгилаб олингани эътироф қилинди.

Учрашув якунлари бўйича турли соҳаларни, шунингдек, парламентлараро ҳамкорликни ривожлантиришга оид имзоланган ҳужжатлар эса ўзаро муносабатларни янги босқичга олиб чиқиши қайд этилди. Шунингдек, Валентина Матвиенконинг Ўзбекистонга ташрифи дастурининг муҳим қисми мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳот ва ўзгаришлар билан танишувга бағишлангани ҳамда бу борада юртимизда олиб борилаётган ишларга юқори баҳо бергани айтиб ўтилди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ

←1 “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги, “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги, “Меценатлик тўғрисида”ги, “Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида”ги, “Мудофаа тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари шулар жумласидандир.

Кредиторларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш кучайтирилиши ҳамда тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмлари, баъзи давлат органларининг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа қонунлар сенаторлар томонидан кўриб чиқилади.

Сенат аъзолари Маданий ўзликни намоён этиш шакллари хилма-хиллигини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш тўғрисидаги Халқаро конвенцияни (Париж, 2005 йил 20 октябрь) ратификация қилиш масаласини ҳам муҳокама қилади.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг мамлакатда дарахт ва буталарни кесишда қонун ҳужжатларига риоя этилиши ҳолати тўғрисидаги ахбороти, шунингдек, Наманган вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботи эшитилади.

Сенат аъзолари ота-оналар қаровисиз қолган ва Меҳрибонлик уйида тарбияланган ёшларнинг жамиятга ижтимоий мослашувидаги долзарб масалалар, табиий газ қувурлари тизими ҳолати ва ушбу соҳага оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўровлари юбориш тўғрисидаги масалаларни ҳам муҳокама қиладилар.

Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва девонининг йигирма учинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишларини мувофиқлаштириш мақсадида ишчи гуруҳ тузилди.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати
Ахборот хизмати.**

# Ғаллага нисбатан нархларнинг эркинлаштирилиши ва унинг оқибатлари муҳокамалар марказида бўлди

*Сўнгги уч йилда барча соҳада бўлгани каби қишлоқ хўжалигида ҳам қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бир тонна ғалланинг харид нархи 1 млн. 200 минг сўм миқдорида белгиланиши ва ҳосилдорликдан келиб чиқиб, 25 фоизгача устама ҳақ тўланиши натижасида ғалланинг ўртача нархи 1 млн. 420 минг сўмни ташкил этди.*

Лекин дон корхоналарида ун маҳсулотлари ишлаб чиқаришда бозор иқтисодиёти механизмлари йўлга қўйилмаганлиги сабабли фермер хўжаликларидан қабул қилинган ғалла учун ҳисоб-китоб якунига етказилмаяпти. Натижада бу фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчилар фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида шу ҳақда сўз юритилиб, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши Раёсатининг парламент қуйи палатасига қилган Мурожаатномаси атрофлича муҳокама этилди.

Тадбирда фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларнинг ғалла етиштиришдан моддий манфаатдорлигини ошириш, шунингдек, соҳада иқтисодий муносабатларни тўлиқ бозор механизмларига ўтказиш мақсадида ғаллага нисбатан нархларнинг эркинлаштирилиши ва унинг оқибатлари юзасидан тегишли вазирлик ва идораларнинг дастлабки ахборотлари эшитилди.

Йиғилиш иштирокчилари арзон уннинг катта қисми амалда аҳолининг тегишли қатламларига етиб бормасдан бозор нархларида сотилаётгани, ўз навбатида, донни қайта ишлаш корхоналари ва савдо ташкилотларида суиистеъмол қилиш ҳолатлари ҳам учраётганини қайд этдилар.

Парламент қуйи палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида ҳам ушбу масала муҳокама марказида бўлди. Унда давлат харидлари бўйича фермерлар томонидан етиштирилган ғаллага нарх белгилашнинг мавжуд механизми фермерлар ва дон корхоналарига қанчалик иқтисодий манфаатдорлик келтираётгани, уларни бу соҳада бозор иқтисодиёти талаблари қай даражадалиги, маҳсулот етиштирувчи, ишлаб чиқарувчи ва истеъмол қилувчи ўртасида ҳуқуқий муносабатлар қандай йўлга қўйилганига алоҳида эътибор қаратилди.

Соҳа мутахассислари иштирокида ўтказилган йиғилишда Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши Мурожаатномаси асосида жойларда ўрганишлар олиб бораётган Қонунчилик палатаси депутатлари таркибидан иборат бўлган ишчи гуруҳларидан келиб тушаётган дастлабки таклиф ва хулосалар ҳам кўриб чиқилди.

Асосий эътибор фермер, ишлаб чиқарувчи, истеъмол қилувчи ўртасидаги мавжуд муносабатларда коррупцияни келтириб чиқариши мумкин бўлган омиллар ва уларнинг олдини олиш механизмларига қаратилди.

Қўмиталар йиғилишларида муҳокама этилган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Зиёда АШУРОВА
(«Халқ сўзи»).**

# Жамиятда хотин-қизларнинг ўрни саҳна асарлари орқали ифода этилади

*Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси Европа Иттифоқи кўмагида Техник ҳамкорлик ва тараққиёт агентлиги (ACTED) билан ҳамкорликда 9, 10 ва 11-синфларда таҳсил олаётган ўқувчилар учун жамиятда хотин-қизларнинг ўрни мавзуида саҳна асари тайёрлади.*

— Навқирон авлод вакиллари учун содда ва ҳаётий воқеалар асосида аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эга эканлигини ифода этувчи учта асарни саҳналаштирдик, — дейди лойиҳа режиссёри Сардор Газиев. — Тақдимотдан сўнг муҳокамалар ҳам бўлиб ўтади ва унда томошабинлар ўз фикрларини билдириши мумкин.

Спектаклда кўплаб жиддий муаммолар кўтарилган. Жумладан, бир саҳна асарида ҳаётий воқеалардан мисоллар келтирилган. Каратэ бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлган она ўз қизининг келажаги ҳақида қайғуради. Унинг фикрича, спорт билан шуғулланган қизнинг турмушга чиқиши қийин бўлади. Шахмат билан шуғулланувчи кичик укаси эса уй ишларида онасига кўпроқ ёрдам беради. Мураккаб вазиятларда ота ҳамда ўғил қиз тарафига ўтади ва бунинг ҳеч қандай ёмон томони йўқлигини амалда исботлайдилар.

Яна бир театрлаштирилган асарда эса ишхонадаги ҳолат ҳақида ҳикоя қилинади. Ташкилот раҳбари ишдан четлаштирилади ва унинг ўрни бўш қолади. Ушбу лавозимга эркак ҳамда аёл даъвогарлик қилади. Лекин аёл юксак малакали мутахассис бўлишига қарамасдан эркак номзод раҳбарлик лавозимига тайинланади. Шундан сўнг, фаолиятни ривожлантириш юзасидан лойиҳа ғоялари бўйича танлов эълон қилинади. Алалоқибат аёл кишининг дастури энг яхши ғоя сифатида эътироф этилиб, у раҳбарга айланади. Шу каби қарама-қарши воқеаларга бой асар томошабинни эътиборсиз қолдирмайди.

ACTEDнинг ҳудудий лойиҳалар мувофиқлаштирувчиси Дилфуза Зокированинг айтишича, ўсмирлик даври инсон онги ва дунёқараши шаклланадиган пайт ҳисобланади. Ушбу ўтиш ёшида бола таъсирчан ва воқеаларга адолат нуқтаи назаридан баҳо беришга ҳаракат қилади.

Мазкур лойиҳа Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида октябрь ойининг ўрталарида амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

**Юнус БЎРОНОВ
(«Халқ сўзи»).**

ИҲТ ХАЛҚАРО СЕМИНАРИ МАВЗУСИ:

# ЁШЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ

←1 2016 йил 18-19 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида ИҲТ Ташқи ишлар вазирлари Кенгашининг 43-сессияси бўлиб ўтди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Таълим ва маърифат — тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл” мавзусидаги ушбу сессиянинг очилиш маросимида, шунингдек, 2017 йил 10 сентябрда Остона шаҳрида (ҳозирги Нур-Султон) бўлиб ўтган ИҲТнинг Фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитида нутқ сўзлади.

ИҲТнинг асосий мақсад ва вазифалари аъзо давлатлар ўртасида дўстлик ва бирдамлик ришталарини уйғунлаштириш, ислом оламида юзага келган муаммоларни ҳал этиш, давлатлар ички қонунларига ҳурмат билан ёндашиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аъзо давлатларнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишига кўмаклашиш, ислом дини ҳақидаги турли ноҳақ ва ножўя маълумотларга барҳам бериш, турли соҳаларда мамлакатлардаги институтлар билан илмий изланишларни йўлга қўйишдан иборат.

ИҲТнинг Мустақил доимий инсон ҳуқуқлари комиссияси ИҲТга аъзо мамлакатлар Ташқи ишлар вазирлари Кенгашининг 2011 йил 28 — 30 июнь кунлари Остона шаҳрида бўлиб ўтган 38-сессиясида қабул қилинган резолюцияга мувофиқ тузилган. 2019 йилда Ўзбекистон ИҲТнинг ушбу комиссиясига раислик қилмоқда.

Комиссия ИҲТнинг низом ва декларацияларида, шунингдек, инсон ҳуқуқлари борасида умумэътироф этилган ҳужжатларда қайд этилган фуқаролик, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларни ислом қадриятлари билан мувофиқ ҳолда мустаҳкамлаб бориш билан шуғулланади.

Йиллик 6-семинарда тинчликсевар, демократик жамиятлар барпо этиш ва барқарор ривожланиш йўлида ёшлар ҳуқуқларини рағбатлантириш ҳамда ҳимоя қилишнинг аҳамияти муҳокама қилинади. Анжуман иши доирасида БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси лойиҳасини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилади.

ИҲТ Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссиясининг йиллик семинари иштирокчилари ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш бўйича мавжуд халқаро ва минтақавий механизмларни таҳлил қиладилар.

Анжуманда, шунингдек, ёшларни ўз мамлакати барқарор тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга рағбатлантириш учун давлат тараққиёт стратегиясида навқирон авлод ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳисобга олиниши борасидаги илғор тажрибалар асосида амалий таклифлар ишлаб чиқилади. ИҲТга аъзо мамлакатлар ёшлари ўз ҳуқуқларидан тўла фойдаланишида дуч келаётган асосий муаммоларга эътибор қаратилади. Семинар иштирокчилари ўзлари мансуб мамлакатлар ёшларига доир давлат сиёсати ва жорий дастурлар таҳлили бўйича хулосаларини тақдим этади.

Анжуман якунида қабул қилиниши кутилаётган ҳужжатда ёшлар ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқариш орқали уларнинг ўз мамлакатлари тараққиёти жараёнида бевосита иштирокини кенгайтиришга қаратилган ёшлар сиёсатини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар баён этилади. Йиллик 6-семинарнинг мазкур якуний ҳужжати ИҲТ Ташқи ишлар вазирлари Кенгашининг навбатдаги сессиясига тақдим этилиши мўлжалланган.

**ЎзА.**

# Беш мингдан зиёд оилалар кам таъминланганлар рўйхатидан чиқарилди

*Бу ўз-ўзидан бўлиб қолган эмас, аксинча, Қашқадарёдаги мавжуд 768 та маҳаллада аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ҳамда уларни оилавий тадбиркорликка кенг жалб этиш юзасидан кўрилган саъй-ҳаракатлар самарасидир.*

**Интилиш**

Шу хусусда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ташаббуси билан ўтказилган “Маҳалла — ижтимоий ҳимоя маркази” мавзуидаги анжуманда атрофлича маълумот берилди.

Қайд этилганидек, маҳаллалар ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида 11500 та кам таъминланган оиланинг бу рўйхатдан чиқишига кўмаклашиш мақсадида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва томорқадан фойдаланиш юзасидан тушунтириш берилишидан ташқари, 41 миллиард 504 миллион сўмга яқин имтиёзли кредитлар ажратилди. Шу билан бирга, уларга зиёли ва тадбиркорлар бириктирилди. Натижа аён — беш мингдан зиёд кам таъминланган оилалар ушбу рўйхатдан чиқарилди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ
(«Халқ сўзи»).**

# САЙЛОВДА ҚАТНАШИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

←1 Бинобарин, ушбу Кодекс 68-моддасида сиёсий партиялар ўзининг сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида 40 минг сайловчининг имзосини тўплашлари лозимлиги белгиланган. Бунда битта маъмурий-ҳудудий тузилмада (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сиёсий партия қирқ минг сайловчининг кўпи билан саккиз фоизи имзосини тўплаши мумкин.

Айни пайтда ушбу қоидага кўра, сиёсий партиялар ўзларининг ваколатли вакили Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганлиги ҳақидаги гувоҳномани олгандан кейин сайловчиларнинг имзосини тўплашга киришдилар.

Сайлов кодексидаги яна бир янги норма, яъни унинг 38-моддасига мувофиқ, сайловчилар битта ёки бир неча партияни қўллаб-қувватлаб, имзо варақаларига имзо қўйишга ҳақли.

Сиёсий партияларга қўллаб-қувватловчи имзоларни тўплашда имзо варақаларининг бузиб қўйилиши ёки тўлиқ тўлдирилмаслиги инобатга олинган ҳолда қўшимча имзо варақалари бланкалари ҳам берилди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳар бир имзо варақалари бланкаларига сиёсий партиялар логотипларининг жойлаштирилгани партияларнинг аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилинишига хизмат қилади, ўз навбатида, сайловчи қайси сиёсий партияни қўллаб-қувватлаб имзо қўяётганлигини аниқ билади. Шу билан бирга, ушбу бланкага қайси сиёсий партия имзо тўплаганлигини ҳисоблашда ҳам аниқликни таъминлайди.

Сайловчиларнинг имзоларини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек, қонун билан тақиқланмаган бошқа жойларда ҳам амалга оширилади.

Бунда сайловчи имзо варақасига ўз фамилиясини, исмини, отасининг исмини, туғилган йилини, (ёши ўн саккизда бўлса, қўшимча равишда туғилган куни ва ойини), яшаш жойи манзилини, паспортининг серияси ва тартиб рақамини, шунингдек, имзо қўйилган санани кўрсатади.

Имзо варақаси имзони тўплаган шахс томонидан ўз фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилган ҳолда имзоланади, шунингдек, тегишли сиёсий партиянинг туман ёки шаҳар тузилмаси раҳбари томонидан муҳр билан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловида иштирок этиш учун сиёсий партиялар томонидан имзоларни тўплаш ва имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш муҳим аҳамиятга эга.

Марказий сайлов комиссияси имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириши учун қирқ минг ва кўпи билан яна 10 фоиз қўшимча имзолар сиёсий партиялар томонидан тақдим этилади.

Сиёсий партиялар тақдим этган имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлиги Марказий сайлов комиссияси томонидан беш кунлик муддатда текширилиб, текшириш ўтказиладиган вақт ва жой ҳақида сиёсий партияларга олдиндан маълум қилинади.

Сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини Марказий сайлов комиссияси томонидан текширилиши жараёнида иштирок этади.

Марказий сайлов комиссияси имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширувчи Эксперт гуруҳини тузиши мумкин. Эксперт гуруҳи таркибига ички ишлар органларининг, адлия органларининг хатшунос экспертлари, мутахассислари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари жалб этилади.

Эксперт гуруҳи аъзолари имзо варақасининг тўғри тўлдирилганлигига, тузатишларга йўл қўйилганига, ўчириб ёзилган тузатишлар борлигига, турли шахслар томонидан тўлдирилганлигига, ўхшаш имзолар борлигига, тасдиқланган тузатишлар борлигига эътибор берган ҳолда ҳар бир имзо варақасини кўздан кечиради.

Визуал текширувда нуқсонлар ёки шубҳали ҳолатлар аниқланган тақдирда ушбу имзо варақалари махсус асбоблар ёрдамида текшириш учун саралаб олинади.

Агар Марказий сайлов комиссияси томонидан танлаб олинган имзо варақаларининг чорак қисмидан кўпроғини текшириш натижасида имзо варақалари қонун бузилган ҳолда тузилганлиги аниқланса, мазкур имзо варақалари сиёсий партиянинг ваколатли вакилига қайтарилади ва унга камчиликларни бартараф этиш учун икки кунлик муддат берилади.

Сиёсий партиялар томонидан имзо варақаларидаги камчиликлар икки кунлик муддатда бартараф этилмаса ёхуд қўшимча имзо варақалари тақдим этилмаса, барча топширилган имзо варақаларидан ҳақиқий деб топилганлари инобатга олинади.

Марказий сайлов комиссиясига камчиликлари бартараф этилиб (қўшимча тўпланиб), тақдим қилинган имзо варақалари тўлиқ текширилади ва уларнинг ҳақиқий деб топилганлари аниқланади.

Текширув якунлангач, сиёсий партияни қўллаб-қувватлаб берилган имзо варақаларини тақдим этган ҳар бир сиёсий партия бўйича Эксперт гуруҳи томонидан Имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш якунлари тўғрисида хулоса тузилади. Хулосанинг нусхаси сиёсий партиянинг ваколатли вакилига топширилади. Эксперт гуруҳи хулосалари Марказий сайлов комиссияси томонидан тегишли қарор қабул қилиниши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Эксперт гуруҳининг хулосаси асосида Марказий сайлов комиссияси сиёсий партияга Қонунчилик палатаси сайловида иштирок этишга ижозат бериш ёки сиёсий партия томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар қонунчилик талабларига мувофиқ келмаганлиги учун Қонунчилик палатаси сайловида қатнашиш ҳуқуқини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Мазкур жараён сиёсий партиянинг сайловчилар ўртасида тутган ўрни ва нуфузини белгиловчи тадбир бўлиб, партия ходимларининг сайлов қонунчилигини амалга оширишда қай даражада аниқ ва пухта иш олиб борганлигини кўрсатади.

Хулоса ўрнида айтганда, сиёсий партия томонидан имзо варақаларининг тўлдирилиши сиёсий партия электорати ва сайловчиларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда ҳамда ушбу сиёсий партиянинг сайловда иштирок этишини таъминлашда муҳим ўринга эга.

**Худоёр МАМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибият раҳбари.**

# ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

**БЎШ (ВАКАНТ) ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ЛАВОЗИМЛАРИГА МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ АСОСИДА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**
**(октябрь)**

**Кафедра мудирлари:**
1. Соя ва мойли экинлар кафедраси; 2. Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги кафедраси; 3. Қишлоқ хўжалиги фитопатологияси кафедраси; 4. Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини кафедраси; 5. Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси; 6. Доривор ўсимликлар кафедраси; 7. Ахборот технологиялари ва математика кафедраси.

**Профессорлар:**
1. Деҳқончилик ва мелиорация кафедраси; 2. Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги кафедраси (селекция 0,75); 3. Ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедраси; 4. Қишлоқ хўжалиги фитопатологияси кафедраси; 5. Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини кафедраси; 6. Физика ва кимё кафедраси (кимё 0,5); 7. Агробиотехнология кафедраси (0,5); 8. Ипакчилик ва тутчилик кафедраси; 9. Балиқчилик кафедраси; 10. Доривор ўсимликлар кафедраси; 11. Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси.

**Доцентлар:**
1. Деҳқончилик ва мелиорация кафедраси; 2. Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги кафедраси (селекция 0,75); 3. Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш кафедраси (0,5); 4. Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси; 5. Ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедраси; 6. Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини кафедраси; 7. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик кафедраси; 8. Қишлоқ хўжалигида экологик хавфсизлик ва ботаника кафедраси (экология); 9. Физика ва кимё кафедраси (физика 0,5); 10. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш кафедраси; 11. Агробиотехнология кафедраси (0,5); 12. Балиқчилик кафедраси; 13. Умумий зоотехния кафедраси (ветеринария); 14. Ўрмончилик кафедраси; 15. Манзарали боғдорчилик кафедраси (0,5); 16. Гуманитар фанлар кафедраси (фалсафа); 17. Агробизнес ва инвестицион фаолият кафедраси; 18. Агрологистика кафедраси.

**Катта ўқитувчилар:**
1. Деҳқончилик ва мелиорация кафедраси; 2. Соя ва мойли экинлар кафедраси (0,25); 3. Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш кафедраси (0,75); 4. Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси; 5. Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини кафедраси; 6. Мевачилик ва узумчилик кафедраси; 7. Физика ва кимё кафедраси (физика); 8. Физика ва кимё кафедраси (кимё); 9. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш кафедраси (0,75); 10. Агробиотехнология кафедраси (0,75); 11. Ипакчилик ва тутчилик кафедраси; 12. Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси (жисмоний тарбия 0,75); 13. Доривор ўсимликлар кафедраси; 14. Гуманитар фанлар кафедраси (фалсафа); 15. Гуманитар фанлар кафедраси (тарих); 16. Агробизнес ва инвестицион фаолият кафедраси; 17. Агрологистика кафедраси (0,75); 18. Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси.

**Ассистентлар:**
1. Ўсимликшунослик кафедраси (0,75); 2. Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш кафедраси; 3. Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси (0,5); 4. Ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедраси; 5. Қишлоқ хўжалиги фитопатологияси кафедраси; 6. Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини кафедраси; 7. Мевачилик ва узумчилик кафедраси; 8. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик кафедраси; 9. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш кафедраси; 10. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини стандартлаштириш ва сертификатлаш кафедраси (0,5); 11. Агробиотехнология кафедраси (0,75); 12. Ипакчилик ва тутчилик кафедраси (0,5); 13. Умумий зоотехния кафедраси (ветеринария); 14. Умумий зоотехния кафедраси (зоомуҳандис 0,5); 15. Ўрмончилик кафедраси; 16. Манзарали боғдорчилик кафедраси; 17. Гуманитар фанлар кафедраси (фалсафа 0,5); 18. Гуманитар фанлар кафедраси (тарих 0,5); 19. Агробизнес ва инвестицион фаолият кафедраси; 20. Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси.

**Ўқитувчилар:**
1. Тиллар кафедраси (рус тили); 2. Тиллар кафедраси (инглиз тили).

Танлов учун ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Талаб этиладиган ҳужжатлар: ректор номига ариза; сўровнома; таржимаи ҳол; тегишли олий маълумоти ҳақидаги диплом; илмий даража, илмий унвон, илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда, уларни тасдиқловчи дипломлар, аттестатлар нусхалари; малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар нусхалари ва илмий ишлар рўйхати.

Танловга тушган барча ҳужжатлар олдиндан кафедра мажлисида кўриб чиқилади. Илгари кафедрада ишламаган шахсларнинг ҳужжатларини кўриб чиқишдан олдин, улар томонидан синов маърузалари (университет профессор-ўқитувчилари учун — очиқ машғулотлар) ўтказилади. Синов маърузалари ва очиқ машғулотлар мавзулари кафедра предметлари бўйича ўқув дастури талабларига мувофиқ бўлиши керак. Танлов қатнашчилари тест синовларидан ўтказилади.

Илгари ўзи эгаллаб келган лавозим учун танловда қатнашувчи шахслар кафедра мажлисида танловдан олдинги даврдаги илмий-педагогик, методик, тарбиявий ва бошқа ишлари тўғрисида ҳисобот беради.

**Ҳужжатлар қуйидаги манзилга топширилади: 100164, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети бош биноси, 2-қават, Тошкент давлат аграр университети илмий кенгаши.**
**Телефон: 71-260-48-65.**

# ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

**қуйидаги лавозимларга шартнома асосида танлов эълон қилади:**

1. **Юқори молекулали бирикмалар ва пластмассалар технологияси кафедраси:** кафедра мудири.
2. **Нефть-газни қайта ишлаш кимёвий технологияси кафедраси:** кафедра мудири.
3. **Саноат экологияси кафедраси:** кафедра мудири.
4. **Ноорганик моддалар кимёвий технологияси кафедраси:** кафедра мудири.
5. **Технологик жараён ва қурилмалар кафедраси:** кафедра мудири.
6. **Озиқ-овқат маҳсулоти технологияси кафедраси:** кафедра мудири.
7. **Энология кафедраси:** кафедра мудири.
8. **Бижғиш маҳсулотлари ва алкоголсиз ичимликлар технологияси кафедраси:** кафедра мудири.
9. **Маҳсулот сифати менежменти кафедраси:** кафедра мудири.
10. **Касбий таълим кафедраси:** кафедра мудири.
11. **Хорижий тиллар кафедраси:** кафедра мудири.

*Юқоридаги лавозимларга тегишли номзодлардан ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.*

**Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32-уй, кадрлар бўлими. Телефон: 71-244-79-31.**

# Автомобиль транспорти кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти

***профессор-ўқитувчиларни соатбай асосида ишга таклиф этади.***

1. Автомобиль транспорти тизими фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш — катта ўқитувчи, доцент.
2. Автомобиль транспортида ташишни ташкил этиш ва бошқариш — катта ўқитувчи, доцент.
3. Транспорт воситалари тузилиши ва уларнинг эксплуатациясига қўйиладиган замонавий талаблар — катта ўқитувчи, доцент, профессор.
4. Автомобиль транспортида меҳнат муҳофазаси, ёнғин ва экологик хавфсизликни таъминлаш — катта ўқитувчи, доцент.
5. Раҳбар психологияси ва этикаси — катта ўқитувчи, доцент, профессор.
6. Халқаро ташувларни ташкил этишнинг хусусиятлари — катта ўқитувчи, доцент, профессор.
7. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш — катта ўқитувчи, доцент, профессор.
8. Транспортда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари — катта ўқитувчи, доцент, профессор.

Доцент лавозимига талабгорлар сифатида илмий даражали, илмий унвонли ҳамда камида 5 йиллик илмий-педагогик стажга эга, кафедра фанлари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар муаллифлари бўлган олий маълумотли шахслар иштирок этишлари мумкин.

Катта ўқитувчи лавозими танловида олий маълумотга эга бўлган (магистр, дипломли мутахассис), шунингдек, илмий даража ва унвонга эга бўлган шахслар қатнашишлари мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар институт бош директори номига ариза билан кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, автобиография, дипломлар ва аттестатлар, паспорт нусхалари, илмий ишлар ва ихтиролар рўйхати, малака оширганлик тўғрисида ҳужжатлар нусхалари, ҳисобот (охирги 5 йил), сайлов бюллетенлари (13 та), ҳисоб комиссияси баённомаси (3 та)ни топширади.

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Мумтоз кўчаси, 5-«А» уй, 207-хона.**
**Маълумот учун телефон: 90-968-51-22.**

***Эслатма:*** мазкур институтда ишловчи шахслар ўтган муддат бўйича кафедрада ҳисобот беради, четдан танловда иштирок этувчилар синов дарслари ўтказади.

# УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**2020 йил учун олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:**
*(ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)*

| Ихтисослик шифри ва номи | 2020 йил учун ажратилган квоталар сони | |
|---|---|---|
| | Таянч докторантура (PhD) | Докторантура (DSc) |
| 01.01.01 — Математик анализ | 1 | |
| 01.01.02 — Дифференциал тенгламалар ва математик физика | 1 | |
| 01.04.10 — Яримўтказгичлар физикаси | 1 | |
| 01.04.11 — Лазер физикаси | 1 | |
| 02.00.13 — Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси | 1 | |
| 02.00.15 — Силикат ва қийин эрувчан нометалл материаллар технологияси | 1 | 1 |
| 03.00.10 — Экология | 1 | |
| 06.01.08 — Ўсимликшунослик | 1 | |
| 07.00.01 — Ўзбекистон тарихи | 1 | |
| 07.00.07 — Этнография, этнология ва антропология | 1 | |
| 08.00.04 — Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти | 1 | |
| 08.00.05 — Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти | 2 | |
| 08.00.06 — Эконометрика ва статистика | 1 | |
| 08.00.12 — Минтақавий иқтисодиёт | 1 | |
| 08.00.15 — Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти | 2 | |
| 09.00.04 — Ижтимоий фалсафа | 1 | |
| 10.00.01 — Ўзбек тили | 1 | |
| 10.00.06 — Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик | 1 | |
| 11.00.01 — Табиий география | 1 | |
| 13.00.02 — Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (соҳалар бўйича) | 1 | |
| 13.00.07 — Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси | 1 | |

**Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги низомнинг 3-боб 16-хатбошисига кўра таянч докторантурага қуйидагиларга эга бўлганлар қабул қилинади:**

Магистр даражасига ёхуд клиник ординатурани тугатган (тиббиёт фанлари учун), олий маълумот тўғрисидаги дипломга (мутахассислик дастурлари бўйича) эга бўлганлар;

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий натижалар, шу жумладан, илмий журналларда чоп этилган камида битта илмий мақола ҳамда тегишли йўналишлар бўйича иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига киритилган маъруза тезисларига эга бўлганлар;

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчиликка икки йилдан кам бўлмаган илмий-педагогик стажга ёки аниқ илмий ютуққа (ихтиро патент ёки муаллифлик гувоҳномасига) эга бўлган шахслар расмийлаштирилади.

**Таянч докторантура ва докторантура:**
**Фалсафа доктори (PhD) ҳамда фан доктори илмий даражаси учун таянч докторантура ва докторантурада ўқиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар:**
(ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

- ариза;
- кафолат хати;
- илмий раҳбар ёки маслаҳатчининг розилик хати;
- қисқача биографик маълумотнома (объективка);
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этади.

Таянч докторантурада ўқиш учун талабгорлар мутахассислик ва чет тили бўйича кириш имтиҳонлари топширади.

**Мустақил изланувчилик:**
(ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун)
**Фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка талаб қилинадиган ҳужжатлар:**

- ариза;
- илмий раҳбар ёки маслаҳатчининг розилик хати;
- қисқача биографик маълумотнома (объективка);
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари;
- иш жойидан тавсифнома.

Мустақил изланувчиликка талабгорларни танлаб олиш 2019 йилнинг 30 ноябригача бўлган муддатда ихтисослик бўйича суҳбат натижалари ва қабул комиссиясининг тегишли хулосасига кўра амалга оширилади.

**Ҳужжатлар 2019 йилнинг 15 октябригача қабул қилинади.**
**Кириш имтиҳонлари жорий йилнинг 1 — 25 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.**
**Манзил: Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси, 14-уй. Маълумот учун телефон: 90-323-99-23.**

# ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ҚУЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Клиник фармакология кафедраси: доцент, ассистент.
2. Акушерлик, гинекология ва перинатал медицина кафедраси: доцент.
3. 2-Акушерлик ва гинекология кафедраси: ассистент.
4. Неонатология кафедраси: ассистент.
5. Педиатрия кафедраси: доцент.
6. Педиатрия ва болалар овқатланиши кафедраси: ассистент.
7. Болалик даври асаб касалликлари кафедраси: доцент, ассистент.
8. Гигиена кафедраси: доцент, ассистент.
9. Микробиология курси: катта ўқитувчи, ассистент.
10. ОИТС — инфекция муаммолари курси: доцент.
11. Халқ табобати ва нейрореабилитация кафедраси: доцент.
12. Юқумли касалликлар кафедраси: катта ўқитувчи.
13. Клиник лаборатор диагностика кафедраси: кафедра мудири, стажер ўқитувчи.
14. Гастроэнтерология ва физиотерапия кафедраси: доцент, ассистент.
15. Кардиология ва геронтология кафедраси: ассистент.
16. Эндокринология кафедраси: доцент.
17. Неврология кафедраси: доцент.
18. Гематология ва трансфузиология кафедраси: доцент.
19. 1-Ички касалликлар кафедраси: ассистент.
20. Травматология ва ортопедия кафедраси: стажер ўқитувчиси.
21. Тиббий радиология кафедраси: доцент.
22. Хирургик стоматология кафедраси: стажер ўқитувчи, ассистент.
23. Шошилинч тиббий ёрдам кафедраси: кафедра мудири.
24. Хирургия, болалар хирургияси кафедраси: доцент.
25. Онкология кафедраси: доцент, ассистент.
26. Урология ва андрология кафедраси: доцент.
27. Стоматология, болалар стоматологияси ва ортодонтияси кафедраси: доцент, стажер ўқитувчи.
28. Офтальмология кафедраси: катта ўқитувчи.
29. Нейрохирургия кафедраси: доцент.
30. Валеология кафедраси: ассистент, стажер ўқитувчи.
31. Патанатомия ва суд тиббий экспертизаси кафедраси: доцент.
32. Ультратовуш диагностикаси курси: ассистент.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй.**
**Телефон 71-267-60-74.**

Ўзбекистон врачлар ассоциацияси Қашқадарё вилояти бўлими раиси, таниқли шифокор, меҳнат фахрийси
**Акрам АКБАРОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент молия институти ректорати ва касаба уюшмаси институтнинг Касбий психология, жисмоний тарбия ва спорт кафедраси мудири Шамсуддин Аллаяровга онаси
**Қизларгул АЛЛАЯРОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 46 329 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**· МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

**Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев.**
**Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.**

**"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.05 Топширилди — 2.50** 1 2 3 4 5 6